SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 13-FEVRAL ■ PAYSHANBA ■ 18 (27.038) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Ихтирога давлат гранти

Маълумки, полимер композицион материаллар тўқимачилик саноати учун муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олган Бухоро давлат университети профессори Олтин Ёриев бошчилигидаги тадқиқотчилар (доцент М.Омонов, аспирант Г.Ихтиёрова, магистрант М.Шаропов) маҳаллий хомашё ресурсларидан тўқимачилик саноати учун полимер композицион материаллар олиш ва улар технологиясини ишлаб чиқиш лойиҳасини ниҳояга етказгандилар. Бу лойиҳа эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика фан ва технологиялар маркази томонидан қўллаб-қувватланди. Эндиликда уни рўёбга чиқариш учун 15 миллион сўмлик грант ҳам ажратилди.

Давлат буюртмаси мақомини олган бу тадқиқот ҳақиқатан ҳам катта аҳамиятга моликдир. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятидагилар газламаларни оҳорлаш ва гул босишда қўл келадиган восита дейишяпти. Маҳаллий хомашё — акрил эмульсиясига ишқорли таъсир кўрсатиш воситасида мазкур кимёвий материаллар 2004 йилгача «Бухоротекс»да синаб кўрилади. Олимларнинг эътирофича, бу лойиҳа қўлланилганда корхонада йилига бир миллиард сўм тежаб қолинади.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## Оқсаройда қабул





**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 февраль куни Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Петер Штрукни қабул қилди.**

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ислом Каримов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳада изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирди.

— Айниқса иқтисодий алоқаларимиз кўлами кенг, — деди жумладан давлатимиз раҳбари. — Турли вазирлик ва идоралар, фирма ва компаниялар, ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бормоқда. Биз буни жуда қадрлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Германия минтақавий хавфсизлик борасида ҳамда ҳарбий-техникавий соҳада ҳам жиддий ҳамкорликни йўлга қўйган. Қўшни Афғонистондаги тикланиш жараёнларида томонларнинг ҳамжиҳат ҳаракатлари бунга далилдир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистондаги вазият, тикланиш жараёни, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

✧ ✧ ✧

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 февраль куни Оқсаройда АҚШнинг «Данавант» компанияси президенти Уильям Данавантни қабул қилди.**

Таъкидламоқ жоизки, айни пайтда маркетинг тадқиқотлари жаҳон пахта бозоридаги коньюнктура ижобий томонга ўзгараётганини кўрсатмоқда. Қатор йиллардан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган «Данавант» компанияси эса алоқаларни ривожлантириш борасида ўз режаларига эга. Президент Ислом Каримов истиқболда ҳам бундай ҳамкорлик самараси ортишига ишонч билдирди.

«Данавант» пахта экспорти ва импорти бўйича дунёнинг энг йирик компанияларидан бири. Унинг бир йилда тозалайдиган, сақлайдиган, сотадиган толаси 1 миллион тоннадан ошади.

Учрашувда Ўзбекистондаги пахта тозалаш заводларини замонавийлаштириш, толанинг экспорт-импортини такомиллаштириш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама этилиб, алоқалар кўламини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

✧ ✧ ✧

**Суратларда:** қабул пайтларидан лавҳалар.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Самимий қутловлар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!*

*Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан дўстона табрик ва биродарона тилакларимни изҳор этаман.*

*Сизга холис дуолар ила мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман. Аллоҳ таоло ушбу саховатли айёмда дўст мамлакатингиз ва мусулмон умматига давомий тараққиёт, хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.*

*Сизга бўлган юксак эҳтиромлар ила,*
*Биродарингиз*

**Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этмоқда.*

*Қодир Аллоҳдан ушбу саодатли фурсатда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст мамлакатингиз ва ислом уммати халқларига давомий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.*

*Сизга бўлган юксак эҳтиромлар ила,*

**Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!*

*Қодир Аллоҳга тоат-ибодат, фидокорликнинг энг шукуҳли ва гўзал жилвасини ёдимизга солувчи қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини самимий табриклайман.*

*Бу улуғ байрам шарофати билан мамлакатларимиз Худованди Карим иродаси ила янада бирдам бўлиб, биргаликда тинчлигу адолат ўрнатиш ҳамда тинчлик, маънавият, фаровонлик ва дўстлик ҳукмрон порлоқ келажак қуришга интиладилар, дея умид қиламан.*

*Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига қут-барака, иззат-икром ва юксалиш тилаб қоламан.*

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллаб, дўст Ўзбекистон халқига давомий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.*

*Қодир Аллоҳдан Ислом уммати халқларига тинчлик ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.*

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Жаноби Олийлари,*

*Саодатли фурсат — муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати менинг Сизга йўллаётган самимий табрикларимга қўшилади.*

*Биз Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингизга давомли тараққиёт ва равнақ тилаймиз.*

**Абдуллоҳ ИККИНЧИ,**
**Иордания Подшоҳи**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муборак Қурбон байрами муносабати билан Сизни ва Ўзбекистон халқини чин юрақдан табриклайман.*

*Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик тилайман.*

*Эҳтиром ила,*

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Муборак байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан энг самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.*

*Руҳий покланиш, бирдамлик, дўстлик ва ҳамфикрлик рамзи бўлган ушбу мунаввар байрамда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.*

*Камоли эҳтиром ила,*

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

## Қорақалпоғистонда болалар спортини ривожлантириш

ФАҚАТ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ БЎЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА

«...Қорақалпоқ диёрида ҳам бугун... минглаб истеъдодли ва фидойи ёшлар вояга етмоқда. ...Оғир атлетика бўйича жаҳон кубоги совриндори Бовуржон Каздаев, тай-бокс бўйича уч марта жаҳон чемпиони Еркин Қутибоев... каби иқтидорли ўғил-қизларимиз бутун Ўзбекистонимиз фахридир, десам ҳеч қандай муболаға бўлмайди». Юртбошимизнинг ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида айтган бу сўзлари қорақалпоқ ёшларини руҳлантириб келмоқда.

4-БЕТ

● МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

## Газетага меҳрим ортди

Ўтган йили умримда илк бора газетага шикоят ёзишга мажбур бўлдим. Бунга қонунан менга ажратилган ер майдонини бир гуруҳ фуқаролар ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, деҳқончилик қилишимга имкон беришмагани сабаб бўлди.

Газетангиз мухбири шикоятимга қонунан ёндашди ва тегишли идора раҳбарлари билан учрашиб, ернинг эгаси ким, кимлар бу ерда қонун чизиғидан ҳатлаяпти, кимлар томошабин бўлиб турибди каби саволларга ҳаққоний жавоб топди.

Газета аралашгач, ўзимга тегишли бўлган ер майдонини қайтариб беришди. Жорий йилда ана шу майдонларда деҳқончилик қилиш, фермер хўжалигимизни камол топтириш тадоригидаман. Эккан буғдойларим текис ниҳол берди, бошқа далаларда қишки яхоб суви беришни амалга ошираяпман.

Оиламиз аъзоларининг кайфияти чоғ, ишга белни маҳкам боғлаганмиз.

Оддий бир фуқаронинг аризасига шунчалик эътибор қаратишгани ва уни адолатли ҳал қилишда ёрдам беришгани учун газетангиз жамоасига оила аъзоларим номидан миннатдорчилик билдираман.

**Шариф ота БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, «Остона» ширкат хўжалигидаги «Бобожон бува» фермер хўжалиги раҳбари.**

● ХДП ХАБАРИ

## Самимий суҳбат

2003 йил 12 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентдаги Маркази раҳбари Ахмет Камил Эрозан қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари ва амалий фаолияти, унинг мамлакатимиздаги бўлажак парламент ислоҳотида иштироки тўғрисида сўзлаб берди, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Қабулда ЕХҲТнинг Тошкентдаги Маркази сиёсий маслаҳатчиси Корнелиу Мушински, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов ҳозир бўлдилар.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

## Дил кўрса — кўз кўради

Мавлоно Жалолиддин Румий кўзни юмганингда, кўнглинг кўзга айлансин, деганлар. Бугун ҳам нигоҳимиз, ҳам қалбимиз билан улуғ элларни, тараққиёт пиллапояларини, ҳамкорлик қўлларини кўраяпмиз.

— Туманда муҳим йиғилиш белгиланганда, исроиллик дўхтирлар Шаҳрисабздаги кўз касалликлари шифохонасида беморларни қабул қилишини айтиб қолишди, — дейди ХДП Китоб туман ташкилоти раҳбари Абдураҳмон Турсунпўлатов. — Рухсат сўраб, бемор отамни олиб бордим. Бениҳоя истеъдодли шифокорлар экан...

Дарҳақиқат, шундай. Тель-Авив госпиталининг малакали офтальмологлари — Дэн Сакс ва Эммануэл Швайлб бир неча кун давомида Қарши шаҳри ва Шаҳрисабзда тиббиёт фани ютуқларини намойиш қилишди. Улар инсонпарварлик ёрдами сифатида ўзлари билан 20 минг долларлик сунъий кўз гавҳари ва ускуналар келтиришди.

Ёруғ оламни кўришдан бебаҳра бўлиш кулфат. Моҳир шифокорлар туфайли юзлаб беморлар бу азобдан холос бўлишди.

**Юнус УЗОҚОВ**

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги кўприк

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА РЕКЛАМАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. МАМЛАКАТИМИЗДАГИ РЕКЛАМА БОЗОРИНИНГ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида истеъмолчиларга маълумот бериш ва маҳсулотни сотишда рекламанинг ўрни катта. Бошқача айтганда, реклама ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги асосий боғловчи воситадир. Реклама истеъмолчилар эътиборини тортишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Баъзи ҳолларда муайян товарлар фақат реклама туфайлигина харидоргир бўлиб кетади.

Масаланинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, реклама орқали харидор маҳсулотни танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳозир республикамизда реклама бозорининг шаклланиш жараёни кетмоқда. Баҳс-мунозара кўп, яхши таклифлар ҳам оз эмас. Мен рекламанинг аҳамияти, мамлакатимиздаги бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида айрим мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

2-БЕТ

● ИСТЕЪДОД

Ватан кенгликлариаро қалам тебратаётган ёш истеъдодларнинг овози мамлакат бўйлаб таралмоқда.

Уларнинг қаламидан тўкилган мисралар юракни ларзага солади.

**Рангин дунё маҳваридан қарайман,**
**Шеър оташи қалбгинамни куйдирар.**
**Юраккинам лоқайдликни олмас тан,**
**Гар ёнмасам, шеър оташи ўлдирар...**

Ушбу шеърий сатрлар муаллифи Оқдарё туманидаги 30-ўрта мактабнинг XI синф ўқувчиси Хафиза Асланова 12 ёшидан бошлаб шеър машқ қилади. Шу кунгача истеъдодли ёш шоиранинг иккита шеърлар тўплами нашр этилди. Унинг илк китобчаси «Қайдасан меҳр?» Самарқанддаги «Зарафшон» нашриётида чоп этилган бўлса, иккинчи шеърий гулдастаси «Менинг Урганчим — менинг Урганжим» номи билан Абдулла Қодирий номи даги халқ мероси нашриётида босиб чиқарилди.



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги кўприк

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА РЕКЛАМАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. МАМЛАКАТИМИЗДАГИ РЕКЛАМА БОЗОРИНИНГ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Шўролар даврида «Яхши маҳсулот рекламага муҳтож эмас» деган ақида онгимизга сингдирилиб келинган эди. Албатта, бу ўша даврда аксарият истеъмол молларининг етишмаслиги, яъни тақчиллик туфайли бундай маҳсулотларга реклама зарур эмаслиги, камёб моллар ҳар қандай шароитда ҳам сотилиши ҳеч кимга сир бўлмаган.

Бундан ташқари, рекламага мафкуралаштирилган ёндашув ҳукм сурган, яъни унга у капитализм сарқити, истеъмолчилар учун ёлғон ахборот тарқатиш, уларни алдаш воситаси деб қаралган. Шунингдек, рекламани маҳсулотларни қимматлашувга олиб келадиган ортиқча харажат деб билишган. Юқоридаги фикрларимизни қуйидаги рақамлар исботлайди: собиқ совет тузуми даврида чакана товар айланишида рекламанинг улуши атиги 0,004-0,005 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, Америка Қўшма Штатларида бу кўрсаткич 7-8 фоиз бўлган. Фақат ҳозиргина ушбу ақидалар нотўғри эканлигини англаб етмоқдамиз ва шуниси ачинарлики, биз реклама соҳасида ривожланган мамлакатлардан анча орқада қолиб кетдик.

Ҳеч кимга сир эмас, реклама туфайли маҳсулотга қизиқиш уйғонади. Бу бутун дунё тажрибасидан ўтган ҳақиқат. Масалан, ҳар бир АҚШ фуқароси кунига 2 мингдан ортиқ реклама эълонларини кўради, эшитади, ўқийди. Франция аҳолисининг 83 фоизи эса товарларни реклама орқали кўриб, эшитиб харид қилади.

Мамлакатимизда ҳам ана шундай кўрсаткичларга эришишимиз ва ҳаттоки ошиб кетишимиз ҳам мумкин. Ҳозир кундан-кунга рекламага эътибор кучайиб бораётгани сезилиб турибди.

Лекин, шуни унутмаслик зарурки, рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига зид бўлмаслиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф-муҳитга тажовуздан ҳимояланган бўлиши лозим. Қонунчилик доирасида замон талабига жавоб бера оладиган реклама бозорини яратишимиз керак.

Бугунги кунда телевидение, радио ва ташқи рекламалар орқали бериб борилаётган рекламалар айрим ҳолларда маънавиятга, миллий ғуруримизга тўғри келмаётганлигини очиқ айтишимиз зарур.

Реклама бозорида истеъмолчиларга ахборот етказишда ўзига хос қоидалар мавжуд бўлиб, мазкур қоидаларни тартибга солиш учун эса, албатта, ҳуқуқий ҳужжат зарур. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни ана шу ҳужжатларнинг асосийси ҳисобланади. Жаҳон андозаларига мос келадиган ушбу қонун истеъмолчилар, товар ишлаб чиқарувчилар ва барча реклама муносабатларига алоқадор томонларнинг манфаатларини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳаётнинг тез ўзгариши, бозор муносабатларининг чуқурлашуви қонун доирасида меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, улардаги тушунчаларни аниқ ва равшан қилиб белгилашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси алоқадор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда миллий қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда қонунга ўзгартириш киритиш бўйича иш олиб бордилар.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ IX сессиясида «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Хўш, қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга нималар сабаб бўлди?

Аввало шуни айтиш керакки, мазкур Қонун ижтимоий ва маънавий ҳаётимизнинг турли жабҳаларига бевосита алоқадор. Қонуннинг асосий тушунчаларини англатувчи моддасига товар белгиси ва технологиялар тўғрисидаги тушунчалар киритилди. Яъни, реклама деганда фақат маҳсулотнинг ўзигина эмас, балки унинг товар белгиси ҳам реклама ҳисобланади. Масалан, бирор телекўрсатув намойиш қилинаётганда экраннинг бирор жойида «Coscom» ёзуви намойиш этилса, бу ҳам реклама деб талқин этилади.

Қабул қилинган янги қонунда телерадиодастурларда намойиш қилинадиган рекламанинг товуши кўрсатув ёки эшиттиришнинг овозидан баланд бўлмаслиги таъкидлаб ўтилган. Кўп ҳолларда рекламалар шу қадар баланд овозда эълон қилинадики, томошабин ёки тингловчининг асабига тегади. Бу эса ўз навбатида истеъмолчининг ҳуқуқи поймол қилинишига олиб келади. Реклама томошабин ёки тингловчининг тинчлигини бузиб, соғлигига салбий таъсир қилиши мумкин эмас.

Қолаверса, ҳозирги кунда шаҳарларимизда ўрнатилаётган ташқи рекламалар сонининг тобора ортиб бораётганлиги бу борадаги қонун моддаларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирди. Янги қонунда ташқи рекламани хоҳлаган жойда ўрнатиш каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган бир қанча тушунчалар киритилди. Ҳозир ташқи рекламани йўл белгилари ва светофорларга, уларнинг тиргаклари ва бошқа қурилмаларга ўрнатиш ҳолатлари учраб турибди.

Янги қонунда тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламасини чеклашга оид қўшимчалар ҳам киритилди. Жумладан, тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламасини оммавий ахборот воситаларида, жамоат транспорт воситаларида ҳар қандай кўринишда тарқатиш тақиқланади. Яъни тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламаси амалда ман этилади. Бугунги кунда, дунёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Франция, Норвегия, Италия, Янги Зеландия ва Туркия каби давлатларда тамаки рекламаси тақиқланган. Бизда ҳам бу масала атрофлича муҳокама қилинди, жамоатчилик фикри ўрганилди.

Ушбу чеклашнинг киритилишидан асосий мақсад — республикамизда соғлом авлодни тарбиялаш ва соғлом муҳитни яратишдан иборатдир. Қолаверса, ушбу қўшимча мамлакатимизда она ва бола соғлигини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг давомчиси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама қонунчиликларига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси ва бўлимлари ташкил этилган. Улар зиммасига оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган рекламаларнинг қонун доирасида бўлишини таъминлаш, истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олиш каби муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилган.

Ўтказилган рейд-мониторинглар шуни кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим реклама берувчи, тарқатувчи ва тайёрлашга масъул бўлган мутасадди корхона ва ташкилотлар томонидан қонун ва Низом талабларига тўлиқ амал қилмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди.




Шу ўринда, айрим мисолларни келтириш ўринли деб ҳисоблайман. «Пресстиж» журналининг 2001 йил декабрь ойидаги сонларида «Бахтли воқеа» хусусий фирмаси томонидан ўтказилаётган телелотерея ўйинлари рекламаси чоп этилган бўлиб, ушбу рекламада 2001 йил 31 декабрь куни байрам тиражида ўтказиладиган 198-тиражда 1-турнинг ҳар бир ғолибларига видеомагнитофон, 2-турдан 10-тургача ҳар бир ютуқли чипта эгасига ВАЗ-2107 автомашинаси, 11-турдан 15-тургача ҳар бир ютуқли чипта эгаси учун телевизор ўйналади» деб реклама қилинган. Мазкур тиражда реклама қилинган 11-15-турлари «ютуқ фонди лимити тугаганлиги сабабли» ўйналмади. Берилган барча рекламаларда лотерея ўйинлари лимит фонди тугаганда тўхтатилиши тўғрисида истеъмолчиларга ҳеч қандай маълумот берилмаган. Ушбу ҳолатлар «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси бузилишига олиб келган, яъни истеъмолчиларга ноаниқ, бўрттириб юборилган, чалғитувчи реклама берилган. Мазкур қонунбузарлик бўйича «Бахтли воқеа» фирмасига нисбатан энг кам иш ҳақининг 250 баравари миқдорида, яъни 857,5 минг сўм жарима, шунингдек, мазкур қонунбузарлик юзасидан фирма раҳбарига нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган реклама ва эълонлар таҳлил қилинганда қўпол хатоларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Хусусан, кўп ҳолларда мутасадди ташкилотлар лицензиясига эга бўлмаган «шифокор»у «табиблар» ёки аллақандай хусусий фирмалар томонидан соғлиқни тиклашга қаратилган реклама ва эълонлари аҳолини чалғитмоқда. Шунингдек, даволаб бўлмайдиган ёки даволаш қийин бўлган касалликларни биргина озиқ-овқат қўшимчалари (пищевые добавки) билан «даволай» олувчилар бераётган рекламалар шўрлик касалманд одамларнинг аҳволини янада оғирлатиб қўйиши ҳеч гап эмас. Табиийки, бемор бундай реклама ва эълонларни кўргандан ёки ўқигандан сўнг ҳар қандай харажатга рози бўлади.

«Наманган ҳақиқати» газетасининг реклама ва тижорат иловасида чоп этилган «Абдуқодир Абдуқаҳҳор ўғли»га тегишли реклама матнида **«26 турдан ортиқ касалликлар бўйича Абдуқодир Абдуқаҳҳор ўғлига мурожаат этиш мумкинлиги ҳамда «Бахти келишмаган, иши юришмаганларни очириқ қилади. Иш ва бахт йўлидаги амал, банд ва ҳар хил тўсиқларни дам солиш ва қасида ўқиш йўли билан олиб ташланади»** деган сўзлар келтирилган. Буни қандай баҳолаш мумкин? Шу гапларга ушбу рекламани берган газета ходимларининг ўзлари ишонармикин? Ақли-ҳуши бутун одам бунга ишонмайди-ку.

Шундай экан, газета ҳам ёлғонга шерик бўлиб қолмаяптими?

Мавжуд реклама турларидан бири ижтимоий реклама ҳисобланади. Республикамизда бу реклама тури аста-секин ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда қарияларни, оналик ва болаликни қадрлаш, маҳаллалардаги аҳилликни ва Ватан ҳимоячиларини акс эттирувчи, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилмасликка, гиёҳвандликка қарши ва асримиз вабоси бўлган СПИД касаллигининг олдини олишга қаратилган ижтимоий рекламалар мавжуд. Лекин ушбу рекламалар сони жамиятимизнинг ижтимоий муаммоларини ечишда етарли, деб айта олмаймиз.

Маълумот учун рақамларга бир назар ташласак. АҚШда ижтимоий реклама учун бир йилда 800 млн. доллар миқдорида маблағ сарф қилинар экан. Биргина CBS (Си би эс) компаниясининг ўзи бир йилда 17,0 мингта ижтимоий соҳага қаратилган реклама роликларини кўрсатади. Шундай экан, биз ҳам ўз навбатида ижтимоий рекламаларга алоҳида эътибор беришимиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда телевидение, радио ва босма оммавий ахборот воситалари моддий-техник базасини ривожлантиришни тижорат рекламалардан тушаётган маблағсиз тасаввур қилиш қийин.

Афсуски, ҳозирги пайтда тайёрланаётган реклама видео роликлари, айниқса, жойлаштирилган ташқи рекламаларда, бизнинг фикримизча миллийлик, маънавий баркамоллик, тарихий анъаналар, соғлом руҳият каби масалаларга етарлича аҳамият бериш ўрнига хорижий рекламаларга кўр-кўрона тақлид қилиш ҳоллари учраяпти.

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозимга ўхшайди. Ишлаб чиқарувчилар орасида ўз маҳсулотларига, жумладан, спиртли ичимликларга муқаддас жойлар ёки буюк аждодларимизнинг номларини қўйиш одатга айланаяпти. Бизнингча, бу йўлдан бориш нотўғри. Ҳамма маҳсулотга ўзига хос ва мос ном қўйсак маъқул бўлади.

Шу ўринда замонамизнинг ютуғи бўлган Интернет услубидан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реклама қилиш ва дунё бозорига чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бироқ бу соҳада етарли даражада ишлар олиб борилмаётир.

Реклама ҳар бир корхонадан тортиб мамлакатгача жуда катта иқтисодий фойда келтиради. Бугун биз ўзлигимизни англаш йўлида борар эканмиз, миллийлигимиз ва ўз ғуруримизни сақлаган ҳолда республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рекламасига эътиборимизни кучайтиришимиз лозим. Афсуски, ҳозирги ҳолат ўта қониқарсиз. Бугунги реклама бозорини таҳлил қилсак, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рекламаси жами рекламаларнинг тахминан 30-40 фоизинигина ташкил қилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Аксарият ҳолатларда чет элларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рекламасига дуч келмоқдамиз. Демак, ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири — бу ўзимизнинг маҳсулотлар рекламасидир.

**1. Маҳаллий маҳсулотлар рекламасига мўлжалланган харажатлар режаси ва унинг амалда бажарилиши (минг сўм)**

| ОАВ | Режа | Ҳақиқатда |
|---|---|---|
| ТВ | 48470 | 60225 |
| Радио | 11143 | 11078 |
| Газета | 23434 | 30320 |
| Журнал | 75740 | 69949 |
| Ташқи реклама | 70266 | 97423 |
| **Жами:** | **229053** | **268995** |

Графика-1




**2. Маҳаллий маҳсулотлар рекламасининг режаси ва унинг ҳақиқатда бажарилиши**

Графика-1




| ОАВ | Режа | Ҳақиқатда |
|---|---|---|
| ТВ | 783 мин. | 764 мин. |
| Радио | 287 мин. | 327 мин. |
| Газета | 35000 см$^2$ | 32308 см$^2$ |
| Журнал | 7730 см$^2$ | 4506 см$^2$ |
| Ташқи реклама | 817 м$^2$ | 1151 м$^2$ |

Вазирлар Маҳкамасида республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2002 йил биринчи ярим йиллик якунларига оид мажлисида мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реклама қилиш борасида қуйидаги фикрларни билдирди: **«Кимки кучли рақобат шароитида муваффақият қозонмоқчи бўлса, бундай маблағларни излаб топиши, ўз маҳсулотларини реклама қилишга жиддий эътибор бериши керак бўлади».**

Мазкур мажлис якунларига кўра, Қўмита ҳузуридаги Реклама бўйича идоралараро кенгашга, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона ва ташкилотларга ҳамда оммавий ахборот воситалари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида реклама бўйича идоралараро Кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи хўжалик бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, йирик реклама агентликлари раҳбарлари ва маркетинг бўлимлари бошлиқлари қатнашдилар. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг реклама қилиш, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида таклиф-мулоҳазалар айтилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг реклама қилиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Комплекс тадбир талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи компаниялар, уюшмалар ва бирлашмаларда реклама бўйича махсус тузилма ва бўлимлар ташкил қилинди. Шунингдек, ҳозирги кунда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда ушбу компаниялар, уюшмалар ва бирлашмалар тизимидаги 67 та турдаги корхоналарнинг реклама қилиниши кўзда тутилган 131 турдаги маҳсулотларидан 55 таси бўйича реклама ишлари олиб борилмоқда.

Олинган маълумотларга кўра, 2002 йил реклама учун 229,05 млн. сўм ажратиш мўлжалланган, амалда эса реклама харажатлари 269 млн. сўмни ташкил этди.

Рекламанинг аҳамияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо ҳар бир реклама тўғри ва аниқ бўлмоғи, иқтисодиётимиз, халқимиз манфаатига хизмат қилмоғи лозим.

**Аъзамхон БАҲРОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси.**

# Бодом гуллади!



Сурхондарёнинг олис-олислари, азим Ҳисор ва Боботоғ тизмалари оппоқ қор билан ястаниб турган бўлса-да, водий узра баҳор насимлари эса бошлади. Қир-адирларга кўм-кўк пояндоз тўшалмоқда. Ариқ бўйларида чечаклар унаяпти. Дала-даштларда аллақачон баҳорги юмушлар бошланди. Ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Мевали, манзарали дарахт кўчатлари экилаяпти. Она-тупроқ қуёшнинг заррин ҳароратига илҳақ. Гузар ва овулларда ўзгача чирой: одамларнинг томорқалари ва хўжаликларнинг боғларида бодомлар оппоқ либосга бурканди — гуллади.

Қарияларнинг сўзларига қараганда, ўтган асрнинг 50-60 йилларида ҳам қиш шундай келгану йил баракали бўлган. Ўрик, гилос ва олма дарахтларида бодроқдек тизилиб турган куртаклар ҳам бугун-эрта ўз чиройини кўз-кўз қилади. Демак, ҳадемай баҳор келинчаги — бойчечак юз очади. Кетидан алвондек лолақизғалдоқлар тебранади. Қалдирғочлар келади. Дошқозонларда сумалаклар пишади. Наврўзи олам келмоқда!

**Абумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# «Экосан» — маҳаллада

«Экосан» халқаро жамғармасида Обод маҳалла йилига бағишланган «Маҳалла ободлиги ижтимоий-экологик ўлчамларда» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган тегишли вазирлик, идора, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари маҳалланинг ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш муаммоларини, барқарор ривожланишга йўналтирилган ижтимоий-экологик лойиҳа ва дастурлар амалиётини, шунингдек, ушбу жараёнга хорижий сармояларни жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда Йоханнесбургда бўлиб ўтган Жаҳон Саммитидан келиб чиқувчи масалаларни муҳокама этишди.

Маълумки, маҳалла айниқса, экологик муаммоларни ҳал этишда катта салоҳиятга эга бўлган макон ҳисобланади. Дарвоқе, ҳозир республикамизда 10 мингдан ортиқ маҳалла мавжуд бўлиб, улар амалда мамлакатимиз аҳолисининг барчасини қамраб олган. Шу боис, «Экосан» халқаро жамғармаси жамият ҳаётининг ана шу бўғинига катта аҳамият бермоқда. Чунончи, Обод маҳалла йилига бағишлаб ишлаб чиқилган «Экосан» — маҳаллада» мақсадли дастури энг яхши миллий анъаналарни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, маҳаллаларни ободонлаштиришга қаратилган. Унинг доирасида маҳалланинг ёш авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш, аҳолининг экологик-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари бўйича учрашувлар ва тадбирлар ташкил этилмоқда.

Халқаро анжуман қатнашчилари «Экосан» халқаро жамғармасининг «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Ушбу танловнинг асосий мақсади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла аҳлини кенгроқ жалб қилиш, аҳолининг санитар-экологик маданиятини ошириш, барқарор ривожланиш бўйича бутун Жаҳон Саммитида кўтарилган ғояларни амалга ошириш, тўй-маъракаларни тартибга солиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, ёшларни миллий қадриятларни эъзозловчи, маънавий бой, юксак маданиятли ва эл-юртига фидойи инсон қилиб тарбиялашдан иборат. Кўрик-танловда қатнашиш қатор мезонлар бўйича баҳоланади. Ер участкаларидан, ичимлик сувидан, электр энергиясидан, табиий газдан оқилона фойдаланиш, маиший чиқиндиларни камайтириш ва маҳалла ҳудудининг санитар аҳволи шулар жумласидандир. Шунингдек, ғолибларни аниқлашда спорт ишларининг йўлга қўйилганлиги, маҳалланинг кўкаламзорлаштирилганлиги ва ободонлаштирилганлигига ҳам катта аҳамият берилади.

Танлов шартларига мувофиқ, энг яхши маҳаллалар йилда уч марта, Наврўз байрами арафасида, Бутун жаҳон атроф-муҳит куни ва Ўзбекистон Мустақиллиги кунида аниқланади.

Анжуман иштирокчилари маҳаллаларда барқарор ривожланиш шароитларини шакллантириш масаласини ўрганиб чиқиб, ўз тавсия ва таклифларини билдирдилар.

**Жамшид ҒОЙИПОВ,**
**Алишер РЎЗИЕВ**



**Ўзбек кулолчилик санъатининг ривожида Риштон ҳунармандларининг ўзига хос ўрни бор. Улар томонидан ясалган бежирим буюмлар асрлар давомида машҳур бўлиб келмоқда.**

✧ ✧ ✧

**Суратларда:** ёш уста Жаҳонгир Комилов, кулолчилик санъати маҳсулотлари

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**



## ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# Тинчлик калити кимнинг қўлида?

**Ҳозирги авлод Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган даврни эслай олмайди. Халқаро ҳакам — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилибдики, жаҳондаги энг нуфузли бу халқаро ташкилот Яқин Шарқдаги можаро билан шуғулланиб келади. Бироқ можаронинг охири кўринмаяпти ва ечими топилмаяпти. 1947 йилдан бери Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси ҳамда Хавфсизлик Кенгаши бу борада кўп марта жиддий қарорлар қабул қилди. Лекин ҳар сафар уларнинг ижроси таъминланмай қолаверди.**

Ўринли савол туғилиши мумкин: хўш, нега Хавфсизлик Кенгаши жуда катта ваколатга эга бўла туриб, қарорлар ижросини таъминлай олмади?! Гап шундаки, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган айрим давлатлар нафақат қарорлар қабул қилишда, балки қалтис вазиятларда масалага ёндашишда гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг раъйига қараб иш кўрдилар. Улар икки томонни ҳам хафа қилиб қўймаслик йўлини танлашди. Натижада қарорлар ижросини таъминлаш учун қатъий ва кескин чоралар кўрилмади. Агар Хавфсизлик Кенгашининг олтмишинчи-етмишинчи йилларда қабул қилинган жиддий қарорлари бажарилганида эди, эҳтимол, Яқин Шарқдаги можаро шу кунгача ҳозирги аҳволга етиб келмаган бўлармиди?..

Турли учрашувлар, мулоқотлар, музокаралар, муҳокамалар ва қарорлар қабул қилиш ҳозиргача давом этяпти ва бу жараён бундан кейин ҳам давом этиши аниқ. Бироқ қонли можаронинг тўхташи амри маҳол. Вазият тобора чигаллашиб, мураккаблашиб боряпти. Шубҳасиз, жаҳон жамоатчилиги бундан ташвишда. Чунки, бу можаро ер юзида тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиб турибди.

Бугунги кунда Яқин Шарқ исталган вақтда аланга олиши мумкин бўлган нуқта бўлиб қолди. Бирор кун йўққи, хорижнинг оммавий ахборот воситалари у ердан нохуш хабарлар тарқатмаган бўлсин. Айниқса, телеканаллар бераётган лавҳалар дилни ҳуфтон қилади. Портлашлар, отишмалар, босқинчилик, зўравонлик оқибатида ҳар иккала томондан ҳам кўплаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлмоқда, оддий халқ жабр чекмоқда. Гўё уруш, вайроналик, одамлар фарёди кундалик ҳаёт маромига айланиб қолгандай.

Маълумки, ўтган асрда бу можаро гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб турди. Ана шу жараёнда бир неча марта уруш ҳам аланга олди. Энг катта уруш 1967 йилда бўлди. Ўшанда Исроил қўшни давлатлар ҳудудларининг бир қисмини босиб олди. Бироқ кейинчалик Миср кутилмаганда Исроилга ҳужум қилиб, босиб олинган ўз ҳудудларини қайтариб олди. Бошқа қўшни давлатларнинг босиб олинган ҳудудлари эса Исроилнинг назорати остида қолиб кетди, шу жумладан, Фаластиннинг ерлари ҳам. Минтақадаги вазият ўшандан бери кескин ва яна катта уруш чиқиш хавфи сақланиб турибди.

Тўғриси, вазиятни кескинлаштирадиган сабаблар кўп. Фаластинликлар тез-тез портлатишларни амалга ошираётганликлари ва бунга жавобан исроилликлар ҳарбий ҳаво ҳужуми уюштириб ёки танклар билан бостириб кириб, ўч олаётганликлари — булар ҳар иккала томоннинг ожизликларини кўрсатувчи оддий сабаблар. Ёки томонлар суиқасд уюштириб бир-бирларининг таниқли арбобларини йўқ қилаётганликларини олайлик. Террор террорни, қотиллик қотилликни, зўравонлик зўравонликни, ўч ўчни келтириб чиқаряпти, холос. Узлуксиз давом этиб келаётган бундай вазият мавжуд муаммонинг ечимини топиш йўлидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни ва имкониятни йўққа чиқаряпти.

Бироқ муросаю-мадора йўли топилмаётганлигининг асл сабаблари бошқа. Бу, аввало, Қуддус шаҳрининг мақоми билан боғлиқ бош масаладир. Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмида фаластинликлар қурган уйлар қонунсиз деб ҳисобланиб, исроилликлар томонидан бузиб ташланганлиги, сўзсиз, арабларни қарши чоралар кўришдан тийиб туролмади. Бу чоралар баъзан террорчилик ҳаракати тусини олди. Ўз навбатида исроилликлар жавоб чораларни қўллашди. Яъни, ҳарбий ҳаво ҳужумлари уюштирди. Оқибатда кўплаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлди. Фаластинликлар эса портлатишлар билан жавоб беришди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этяпти. Жанжалли жараён давом этаётганлигининг сабабларидан яна бир шуки, Исроил босиб олинган Фаластин ерларида уй-жойлар қуришни тўхтатмаяпти. Бу ҳам фаластинликларда норозилик кайфиятларини кучайтирмоқда. Ҳатто, Америка Қўшма Штатлари давлат арбоблари, сиёсатчилари ҳам Исроилнинг босиб олинган Фаластин ерларида уй-жойлар қуришини халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид, деб ҳисобламоқда.

Кейинги икки-уч йилдан бери Фаластин давлатини ташкил этиш тўғрисида кўп гаплар бўляпти. Бу борада анча таклифлар ўртага ташланди, музокаралар ўтказилди, мулоҳазалар баён қилинди, ваъдалар берилди. Ҳатто, мустақил Фаластин давлатини эълон қилиш муддатлари ҳам белгиланди. Бироқ амалда ҳеч нарса қилинмади. Ҳаммаси оғиздаги баёнот бўлиб қолаверди. Аслида бу янгилик эмас. Бундай гап-сўзлар илгари ҳам кўп бўлган. Ҳатто қулай имконият ҳам яратилган. Жумладан, дастлаб БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги қарорида Фаластин давлатини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бироқ ўшанда араб давлатлари турли сабабларга кўра бу имкониятдан фойдаланмадилар. Шунингдек, Исроил ҳам бир неча марта ўз фуқароларининг тинчлигини ва хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини бой берди. Жумладан, 1993 йилда Норвегия пойтахти — Ослода бошланган музокара жараёнининг асосий негизида босиб олинган ҳудудларни фаластинликларга қайтариш эвазига минтақада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ғояси ётарди. Лекин бу имконият Исроил томонидан бой берилди. Умуман, ҳудуд эвазига тинчлик ғояси кўп марта илгари сурилди. Бироқ ҳар сафар рад этилди. Ҳозирги кескин ва қалтис вазият — томонлар муроса йўлини рад этаётганликларининг оқибатидир. Халқ бунинг жабрини тортяпти.

Ўтган йили хорижнинг оммавий ахборот воситаларида ҳам Исроил, ҳам Фаластин раҳбариятида ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги, яъни Исроилда сайловдан кейин ҳукумат янгиланиши, Фаластин мухториятида Ёсир Арафотнинг ўрнини бошқа одам эгаллаши ҳақида кўплаб шарҳлар, тахминлар ва мулоҳазалар берилди. Ҳатто, Исроил ҳукуматини, Фаластин мухториятини бошқариши мумкин бўлган одамларнинг номлари ҳам айтилди ва раҳбариятлардаги ўзгаришлардан кейингина икки ўртадаги муносабатларда ижобий силжиш бўлиши мумкин, деб тахмин қилинди. Амалда-чи? Амалда ҳеч нарса ўзгармади. Шу йил январь ойининг охирида Исроилда парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Унда «Ликуд» партияси ғалаба қилди ва парламентда энг кўп ўринлар сонига эга бўлди. Ғолиб партия етакчиси Ариэл Шарон коалицион ҳукумат тузган тақдирда ҳам Фаластинга нисбатан ўзининг қаттиққўл сиёсатини ўзгартирмайди, деган тахминлар бор. Шунингдек, Фаластин раҳбариятида ҳам ўзгариш бўлиши кутилаётгани йўқ ва фаластинликлар ўз мақсадларига эришиш йўлида курашларини тўхтатмоқчи эмаслар. Демак, яқин орада можаронинг тугуни ечиладиган эмас. Назаримда, нафақат исроилликлар билан фаластинликлар Клинтон-Барак-Арафот даврини армон билан эслаётган бўлса керак. Тўғриси, бу уч давлат арбоби ўз вақтида кескин вазиятларни юмшатиш ва муросаю-мадора сари интилиш йўлида астойдил куч-ғайрат сарфлади. Уларнинг шарт қўймай ва гина-кудурат қилмай ўтказган самимий учрашувлари, очиқ мулоқотлари, дўстона муносабатлари ва энг муҳими, табассум ила бир-бирларига ишонч туйғусини изҳор қилганликлари ҳамон ҳамманинг кўз ўнгида турибди. Ҳозир Яқин Шарқ учун ҳеч бўлмаганда ўшандай муҳит зарур. Дағдаға ва дўқ-пўписа ғазаб ўтини қўзғайди, аксинча, табассум ва самимият душманларни муросага келтиради. Сиёсат ҳам санъат. Шундай экан, сиёсатчининг маҳорати сиёсатнинг мезонини, унинг донолиги эса сиёсатнинг ютуғини белгилайди.

Албатта, дунё сиёсатининг нозик жиҳатлари кўп. Уларни англаш анча мураккаб. Ҳакамлик қилиш эса яна ҳам мушкул. Ҳатто, дунё сиёсатини белгилайдиган катта давлатлар ҳам Яқин Шарқ можаросини бартараф этишнинг уддасидан чиқишолмаяпти. Чунки, бу давлатларда Исроилни ҳам, Фаластинни ҳам қўллаб-қувватлайдиган кучлар бор. Эҳтимол, ҳозирги вазият бундай кучлар учун маъқулдир. Бироқ фаластинликларга ҳам, исроилликларга ҳам тинчлик керак. Оддий халқ урушдан чарчади. Яқин Шарқдаги дастлабки урушда туғилган бола ҳозир олтмишдан ошган отахон бўлиб қолди. Унинг фарзандларию невара-чеваралари ҳам урушда туғилиб, уруш ичида яшаб келяпти. Бунинг охири бўлиши керак. Назаримда, тинчлик эшикларининг калитлари фаластинликлар билан исроилликларнинг ўз қўлларида. Агар ақл-идрок билан иш кўрилса, бу калитлар тинчлик тилсимини очади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## XORIJDA

### Мартда ёки апрелда

Индонезия Президенти Мегавати Сукарнопутри Россияга ташриф буюрмоқчи. Бу ҳақда Индонезия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот котиби хабар берди. Унинг айтишича, ҳали аниқ муддат белгиланганий йўқ. Ташриф мартда ёки апрелда бўлиши кутилмоқда.

Ташрифдан мақсад, дейилади Reuters ахборотида, Мегавати Россиянинг бир қатор юқори лавозимли раҳбарлари билан учрашади ва Индонезияга Россия қурол-яроғларини етказиб бериш бўйича музокаралар олиб боради.

### Эркин савдо қилиш мақоми берилади

АҚШ маъмурияти Чили ва Сингапур билан эркин савдо амалиётини жорий этиш тўғрисидаги келишувга имзо чекишдан аввал уни расмий равишда Конгрессга ҳавола этди. Конгресс аъзолари келишув бандлари билан танишиб, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, сўнг ўз фикрларини билдириши керак. Бунинг учун 90 кун муҳлат берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, икки йил давомида олиб борилган музокаралардан сўнг Чили АҚШ билан эркин савдо ҳудудини яратиш борасида икки томонлама келишувга ўтган йил декабрда эришган эди. Сингапур эса Чилидан бир ой аввал бундай имкониятни қўлга киритган. Сингапурнинг АҚШ билан эркин савдо бўйича тузаётган шартномаси Осиё мамлакатлари ичида энг биринчисидир, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

### Бошпана бериши мумкин

Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ўз хоҳиши билан лавозимдан воз кечиб, мамлакатдан чиқиб кетадиган бўлса, Швейцария унга сиёсий бошпана бериши мумкинлигини мамлакат ташқи ишлар вазири Мишлен Кальми-Рей маълум қилди. Бу ҳақда Ananova.com сайти хабар тарқатди.

Бу ғоя аввалроқ инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия вакили Жан Циглер томонидан илгари сурилган эди. Валлис кантони маъмурияти эса уни қўллаб-қувватлаганди. «Урушнинг олдини олиш учун ҳам кантонлик Саддамни қабул қилади» деди кантон раҳбари Томас Бюргенгер.

Эслатиб ўтамиз: АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ҳам аввалроқ «агар Саддам Ҳусайн ўз хоҳиши билан истеъфога чиқиб, мамлакатни тарк этса» унинг хавфсизлиги таъминланишини маълум қилган эди.

### Дипломат қамоққа олинди

АҚШнинг Прагадаги элчихонаси дипломати барча айбларини тан олди.

Гап шундаки, у 1999-2000 йилларда виза сотганликда айбланмоқда. АҚШ давлат департаментининг дипломатия хавфсизлиги хизмати томонидан Вашингтонда олиб борилган тергов жараёнидан сўнг Александр Мееровч Колумбия федерал округи судида ўзига қўйилган айбларни тан олганлигини АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Ричард Баучер маълум қилди.

Бу воқеадан аввал Мексика чегарасидаги Нуэво Ларедо шаҳри консуллигида ҳам тўрт хизматчи айнан шундай айб билан қўлга олинган эди. Ўтган йил май ойида эса АҚШнинг Саудия Арабистонидаги консуллигида ишловчи Яман фуқароси қамоққа олинган. У 15 кишига виза сотган, дейилади Reuters ахборотида.



МАДРИД ШАҲРИ КЎРИНИШИ

### Депутатлар муштлашуви

Россия давлат думасининг этика бўйича комиссияси Жириновскийнинг Бушни ҳақоратлаганлиги ҳақидаги масалани муҳокама этиши лозим эди. Бироқ айнан шу комиссия фаолияти юзасидан жанжал чиқди ва бу муштлашувга айланиб кетди.



Воқеа бундай бўлди: депутатлар эрталаб мажлиснинг кун тартибини муҳокама этишга киришди. Депутат Александр Федулов сўзга чиқди. Ва у этика бўйича комиссияни тарқатиб юбориш лозимлиги ҳақида гапириб, курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай кетди. Шу пайт депутат Василий Шандибин чидай олмади шекилли, тўғри бориб Федуловнинг кўкрагига муштлади. Ўртада катта жанжал чиқди. Яхшиям бошқа депутатлар ажратиб қўйишди. Акс ҳолда...

### Қуролланиш пойгаси: сўнгги ўн йил

Янги қуроллар сотиб олишга асосан ривожланган давлатлар рекорд суммаларни сарфламоқда. Охирги 10 йилда уларнинг мудофаа бюджети 18 фоизга ортган, дейилади АҚШ давлат департаментининг дунё ҳарбий харажатларига бағишланган маърузасида.

BBC News берган ахборотга кўра, айрим рақамлар ва умумий йўналишлар кишида кўнгилсиз таассурот қолдиради. Масалан, совуқ уруш хотима топгандан сўнг Шарқий Европада қуролланиш сарф-харажатлари бирданига камайган бир паллада Хитой, Ҳиндистон ва Покистонда қуролланиш пойгаси авж олди.

90-йилларда Деҳли ва Исломобод ўртасида вазиятнинг кескинлашуви Марказий Осиёда қуролланиш йилига ўртача беш фоиздан ортишига олиб келди.

Умуман шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ер шари бўйича армияларнинг шахсий таркиби кейинги ўн йилда чорак қисмга камайган. 1999 йили ер юзи бўйича ҳарбий харажатларга 852 миллиард доллар сарфланганини ҳисобга олсак, демак, бу рақам ҳам сўнгги ўн йилда учдан бирига қисқарганлигини кўриш мумкин.

### Полиция яна кўпаяди

Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида бу йил Испания миллий полицияси сонини 4,5 минг кишига кўпайтиришга қарор қилди. Бу ҳақда Испания ички ишлар вазири Анхел Асебес хабар тарқатди.

Сўнгги икки йилда Испанияда жиноятчилик кучайган. Жумладан, ўтган йили мамлакатда жиноятчилик 10 фоизга ошган бўлса, йирик шаҳарларда бу кўрсаткич 25 фоизга ортган. Валенсия ва Кастельонеда ҳатто, 56 фоизни ташкил этган.

Мамлакатда ўтказилган сўровномада аён бўлишича, аҳолини қўрқувга солиб турган учинчи нарса, яъни ишсизлик ва террордан сўнг жиноятчилик экан. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги муҳолифат кучлар ҳукуматни қаттиқ танқид остига олмоқда. Кейинги 6 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 25 фоизга қисқартирилганлиги жиноятчиликнинг ўсишига олиб келган, дея ҳукуматни айбламоқда.

Сўнгги йилларда Мадрид мазкур муаммони бартараф этиш йўлида бир талай ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, полициячиларнинг маошлари оширилди, иш шароитлари яхшиланди. Бундан ташқари озодликдан маҳрум этилган ўта хавфли жиноятчиларга қамоқда бериладиган енгилликлардан воз кечиб, янги қонунлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, майда жиноятчиликка қарши янги қонун қабул қилиниши кутилмоқда, дейилади «Новости» агентилиги хабарида.

## БОЖХОНА БЕКАТИ

# Қинғир йўлнинг боши берк

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган мақол бор. Ҳозир қинғирликнинг пайига болта уриш учун қирқ дақиқа кифоя. Дейлик, мўмай пулни кўзлаб қўшни давлатлардан олиб келинган ўсимлик ёғидан божхона постида намуна олиб, лабораторияларда аниқлаш бир зумлик иш. Масалан, ўтган йил давомида Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари 37 та ҳолатда фуқаролар томонидан олиб ўтилаётган 2 миллион 434 минг 125 сўмлик 2483 литр ўсимлик ёғининг давлат андозаси талабларига жавоб бермаслигини аниқладилар.

Чегара ҳудудларидан ноқонуний равишда спиртли ичимликни контрабанда қилишга ҳам айримларда иштиёқ катта. Ўтган даврда 24 та шундай ҳолат аниқланиб, экспертиза текширишларидан ўтказилмаган, сертификати йўқ 643700 сўмлик арақлар божхона ходимлари ҳушёрлиги натижасида тўхтатиб қолинди. Яъни юртдошларимиз соғлигига солинажак хавфнинг олди олинди. Эрондан «Нестле — Ўзбекистон» қўшма корхонасига келтирилган 1100 кг. 371780 сўмлик болалар озуқасининг сақлаш муддати ўтиб кетганлиги аниқланиб, сотувга чиқарилмади.

Божхоначилар учун декабрь ойи машаққатли келди. Нафс балосига йўлиққан кимсалар пиротехника воситалари савдосига ружу қўйишди. 20 та ҳолатда бундай воситалар чегарада ушлаб қолинди. Ўтган йили 11 ҳолатда гиёҳванд моддаларни, 3 бора ўқотар қуроллари ва ўқ-дориларни божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб ўтишга уринганлар қўлга олинди.

Турли маҳсулотларни қинғир йўллар билан юртимизга келтиришга уринаётганлар қаторида, пул-бойлик илинжида катта миқдордаги товар-моддий бойликларни қўшниларга олиб чиқиб сотишга уринаётганлар ҳам бор. Ўтган йили 30 тоннадан ортиқ минерал ўғит, 27606 литр нефть маҳсулотлари, 26,5 тонна дон ва дон маҳсулотлари ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишига тўсиқ қўйилди. Ёки яна 17208,9 минг сўмлик чорва моллари, 1863,5 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 677,6 минг сўмлик шакар халқимиз насибасидан айириб олиб кетилаётганлиги аниқланди ва давлат фойдасига мусодара қилинди.

Юқоридаги мисоллар чегара ҳудудида божхоначилар, чегара қўшинлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқа мутасадди идоралар саъй-ҳаракатлари натижаси. Ваҳоланки, вилоят ҳудудидаги чегара сарҳадларининг умумий узунлиги 436,2 км.ни ташкил этади, шундан 61 км. Тожикистон, 375,2 км. Қирғизистон давлатлари билан туташган. Чегара ҳудудида 121 та йўл, уларнинг 9 таси асосий, 12 таси 2-даражали ва 100 таси айланма йўллардир. Демак, айрим нияти бузуқлар айланма йўллардан фойдаланишлари мумкин. Уйлар уйларга, қишлоқлар қишлоқларга туташган жойлар ҳам борки, бундай ҳудудларда жамоатчиликнинг ҳушёрлигига кўпроқ суяниш лозим.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Лондонда болалар расмлари кўргазмаси

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси биносида мамлакатимизнинг Лондондаги дипломатик миссияси ва Британиянинг «Great Silk Road World» нашриёти ҳомийлигида ташкил этилган «Дунё болалар нигоҳида» номли болалар расмлари кўргазмаси очилди.

Мамлакат жамоатчилиги эътиборига илк бор Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи тасвирий санъат студияси болаларининг 70дан зиёд ижодий иши намойиш этилди.

Тадбир тақдимотида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчиси А.Файзуллаев ва «Great Silk Road World» нашриёти директори Джемс Миллер мамлакатларимиз ўртасида тобора ривожланаётган, хусусан, маданият соҳасидаги муносабатларига алоҳида тўхталдилар. Ўзбекистон болаларининг тасвирий санъат асарлари намуналари кўргазмаси бунинг ёрқин далилидир.

Эътиборли томони шундаки, ҳар бир асар чуқур мазмунга эга бўлган ҳолда, ўзида баркамоллик ва касбий маҳорат аломатларини мужассам этган.

Болалар расмлари кўргазмаси билан бир қаторда айнан шу ерда намойиш этилган маданий обидалар, қадимги меъморчилик ва ҳозирги замон меъморчилик намуналарини ўзида акс эттирган фотоэкспозиция ҳам Буюк Британия жамоатчилиги вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

**Мардон ЯКУБОВ,**
«Жаҳон» АА, Лондон.

## Навоийда ёғ заводи йўқ эди

Навоий вилоятида ёғ заводи йўқ эди. Шу боис истеъмол ёғи Бухоро ва Самарқанддан келтириларди. Энди бўлса навоийликлар ўз кичик заводига эга бўлишди. Натижада кунига 7-7,5 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Бу ўринда тадбиркор Исомиддин Йўлдошев ҳиссасини қайд этмоқ керак. У ўзи асос солган «Жевачи» фирмаси маблағи асосида бу заводни ташкил этди. Умумхалқ байрами Наврўзга қадар бу ерда қадоқланган ёғ чиқаришга киришилади. Бу эса ҳар куни 10-12 тоннагача истеъмол ёғи тайёр демакдир.

Яна бир қувончли томони шундаки, 25 нафар йигит-қиз ишли бўлди.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

